

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02./30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ НУРАД ИСМАТОВИЧ

**АКРИЛ МОНОМЕРЛАРИ АСОСИДА ГОМО- ВА СОПОЛИМЕРЛАР
СИНТЕЗИ: ХОССАЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.06 - Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Contents of thesis of doctoral (Doctor of Science) dissertation

Бозоров Нурад Исматович

Акрил мономерлари асосида гомо- ва сополимерлар синтези:
хоссалари ва қўлланилиши.....3

Бозоров Нурад Исматович

Синтез гомо- и сополимеров на основе акриловых мономеров:
свойства и применение.....29

Bozorov Nurad Ismatovich

Synthesis of homo- and copolymers based on acrylic monomers:
properties and application.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....59

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02./30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ НУРАД ИСМАТОВИЧ

**АКРИЛ МОНОМЕРЛАРИ АСОСИДА ГОМО- ВА СОПОЛИМЕРЛАР
СИНТЕЗИ: ХОССАЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.06 - Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/K90 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Кудышкин Валентин Олегович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Рафиков Адхам Салимович
кимё фанлари доктори, профессор

Максумова Айтгура Ситдиқовна
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ФА Биоорганик кимё институти

Диссертация химояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти хузуридаги DSc 02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» 10 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^о. Тел: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz).

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№23 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^о. Тел: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 09 кунни тарқатилади.

(2021 йил «17» 09 даги № 4 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
С.Ш. Рашидова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик.

[Signature]
М.М. Усмонова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., катта илмий ходим

[Signature]
А.А. Саримсоқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошпадаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда синтетик полимерлар кимёсини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Замонавий полиолефинлар ишлаб чиқаришини ишга тушириш, акрил мономерлари ишлаб чиқаришни режалаштиришни кенгайтириш ва поливинилхлорид ишлаб чиқаришни ташкил этиш, синтетик полимерлар асосида янги импорт ўрнини босувчи турли хил саноат ва қишлоқ хўжалиги учун зарур юқори технологик материалларни олиш зарурати билан боғлиқ. Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда хом ашёни, хусусан, углеводородларни чуқур қайта ишлаш заруриятини амалга ошириш олиб борилаётган тадқиқотларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёда радикал полимерланиш ва кимёвий модификация усулларида фойдаланиб, белгиланган тузилиш ва молекуляр массага эга макромолекулаларни олиш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган бир қатор муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу полимерларга чизиқли, тармоқланган ва фазовий тузилишга эга пайванд, блок, блок-градиентли сополимерлар киради, улар янги турдаги маҳсулотларни, шу жумладан, юқори эксплуатацион тавсифларга эга нано тузилмаларни олишда ўзининг амалий қўлланилишини намоён этади. Бугунги кунда юқори молекуляр бирикмалар кимёсидаги муҳим вазифалардан бири бу акрил мономерлари асосида полимерларнинг синтези ва улар асосида истиқболли материаллар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Акрил мономерларининг пайванд сополимерланиши, пайвандланиш даражаси ва самарадорлиги билан полимер ва пайвандланган мономер табиати ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикада маҳаллий хом ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар яратишни ривожлантиришда илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, акрил мономерлари асосидаги полимерлар ва уларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар¹ стратегиясида мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш ҳамда фундаментал тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш ва «...маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...» вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун акрил мономерларининг гомо- ва сополимерланиш механизмларини ўрганишга йўналтирилган ушбу жараённинг қонуниятлари ва макромолекулаларнинг тузилишини шакллантиришни бошқариш усуллари аниқлаш, шунингдек улар асосида ўзига хос

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

хусусиятларга эга махсулотларни яратишга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сонли «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ 3983-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сонли «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқотлари Республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Оксидловчи-кайтарувчи инициаторлар, радиацион ва фотокимёвий радикал полимерланиш жараёнлари асосида акрил мономерларидан сувда эрийдиган, нисбатан юқори молекуляр массага эга полимерлар, статистик (гидрофил-гидрофоб) ва пайванд (полиолефинлар иштирокида) сополимерлар синтез қилиш, уларнинг физик-кимёвий ва электрон хусусиятларини ўрганиш ҳамда (со)полимерларни амалиётда қўллашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий-таълим муассасалари, жумладан: Pennsylvania State University (АҚШ), University of Cambridge (Буюк Британия), University of Alberta (Канада), University of South Australia (Австралия), Tianjin University of Science & Technology (Хитой), Technische Universitat Braunschweig (Германия), Tokyo University of Agriculture and Technology (Япония), University of Ulsan (Корея), М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети (Россия), Беларусь давлат университетининг физик-кимёвий муаммолар илмий-тадқиқот институти (Белоруссия) томонидан олиб борилмоқда.

Акрил (со)полимерларини синтез қилиш усулларини қўллаб, муҳим физик-кимёвий хусусиятларни намоён этувчи, зарур эксплуатацион хусусиятларга эга материалларни олишга оид жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: паст хароратларда акриламид ҳосилаларининг полимерланиш механизми аниқланган ва синтезнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган (Россия ФА А.Н. Несмянов номидаги Элементоорганик бирикмалар институти, Россия), акриламид мономерининг концентранган сувли эритмалари асосида полимерлар синтез қилиш кинетикаси ўрганилган (Ивановский номидаги кимё-технология давлат

университети, Россия), чизиқли акрил сополимерларининг термокимёвий оксидланиши ўрганилган (Szczecin University of Technology, Польша), эркин радикалли полимерланиш механизми асосида крахмал ва акрил мономерлари асосида пайванд сополимерлар олинган, структура ва хоссаларнинг бир-бирига боғлиқлиги ўрганилган (Engineering and Technology Institute Groningen (ENTEГ), Нидерландия), сополимер таркибида ўзининг биологик фаоллигини сақловчи хитозанга акрил мономерларининг пайванд сополимерланиши асосида микробларга қарши фаоллиги юқори бўлган полимерлар синтез қилинган (Россия ФА Юқори молекуляр бирикмалар институти, Россия) ва (Eastern Academy of Science & Technology, Ҳиндистон), доривор моддаларни етказиб бериш учун ташувчи сифатида потенциал биотиббидеда қўлланилувчи крахмал асосидаги гидрогеллар олинган (Zhongshan (Sun Yat-sen) University, Хитой), қадимий ёдгорликларнинг реставрацияси ва консервациясида фойдаланиш учун занжир узатувчи агентлар иштирокида радикал полимерлаш орқали полибутилметакрилат олинган (Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Ўзбекистон).

Дунёда полимер тизимларининг назарияси ва амалиёти бўйича куйидаги қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, олдиндан маълум бўлган мономерлар асосида юқори физик-кимёвий хусусиятларга ва турли хил тузилишга эга бўлган (со)полимерларни синтез қилиш; янги экспериментал усулларни қўллаб, полимерларнинг молекуляр массасини бошқариш имкониятларини ишлаб чиқиш; ўзига хос тузилишга эга сополимерларни синтез қилиш учун ҳар хил сополимерланиш усулларида фойдаланиш; биопарчаланувчи композицион материаллар сифатида табиий полисахаридлар билан полиолефинларнинг барқарор полимер композицияларини олиш учун зарур бўлган компатибилизаторлар сифатида ишлатиш мумкин бўлган полиолефинлар асосида зарур хусусиятларга эга сополимерларни олишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш. Сополимерларнинг тузилиши билан боғлиқ бўлган физик-кимёвий хусусиятлар комплекси туфайли уларни турли соҳаларда қўлланиши тез суръатлар билан кенгайиб бормоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида радикал полимерланиш реакциялари асосида акриламиднинг турли хил табиатга эга, сувда эрийдиган (со)полимерларни синтез қилиш ва уларни турли соҳаларда қўллаш бўйича илмий йўналишларни ривожлантиришга L. Andrew Zydney, A. Appel Eric, H. Kaczmarek, H. Xu, V. Pillay, R. Kumar, C. Lefay, Г.З. Аксельрод, Н.Р. Прокапчук, В.Ф. Куренков, Л.В. Гандурина, Н.П. Крутько, Т.А. Байбурдов, А.А. Липин, А.В. Шибашов ва бир қатор бошқа илмий мактаблар катта ҳисса қўшган. Лекин, акриламидни сувли эритмадан алоҳида ажратмаган ҳолда полимерлаш жараёнлари ва синтезланган акриламид (со)полимерларини амалиётда қўллаш учун зарур бўлган молекуляр-массавий хусусиятларини бошқаришнинг самарали усуллари ишлаб чиқилмаган.

Акрил мономерлари асосида классик ва псевдожонли радикал полимерланиш усулларини қўллаб, чизиқли, блок ва пайванд сополимерларни синтез қилиш, уларнинг хоссаларини ўрганиш натижасида амалиётда жадал

суратларда фойдаланиш бўйича К. Matyjaszewski, M. Buback, R. Riccardo, H.-H. Johannes, H.V. Farmakalidis, Z. Czech, J. Stoullil, M.K. Khallaf, G. Qu, K. Ogino, Zakir M.O. Rzayev, Xianru He, A.R. Oromiehie, Charles R. Russell, H.M. Seo, M.B. Лачинов, М.Ю. Заремский, Е.В. Черникова, А.А. Тагер, С.Н. Филатов, Д.Н. Емельянов, А.В. Томилина, Л.П. Круль, А.В. Комин ва Н. Эль-Сайед, Е.А. Бектуров, С.Е. Кудайбергенов, Г.А. Мун ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Шу билан бирга, акрил мономерлари сополимерларининг тузилиши ва хоссаларининг ўзаро боғлиқлигига оид бир қатор масалаларга аниқлик киритилмаган, бу эса сополимерларни амалда қўллаш имкониятларини чегаралайди.

Республикамизда мазкур йўналишлар ривожига академик С.Ш. Рашидова, академик М.А. Асқаров, академик А.Т. Джалилов, проф. Ў.Н. Мусаев ва уларнинг илмий мактаблари, шунингдек проф. Т.М. Бобоев, проф. М.Г. Мухамедиев, проф. Н.Р. Ашуров, проф. В.О. Кудишкин, проф. А.С. Рафиков, к.ф.д. Н.Р. Вохидова, т.ф.д. А.А. Атаханов ва бошқа олимлар ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шу билан бир қаторда олдиндан белгиланган тузилиш ва физик-кимёвий хусусиятларга эга акрил полимерлари асосида чизиқли ва пайванд сополимерларни олиш, уларни плёнка ҳосил қилувчи материаллар сифатида қўллаш, шунингдек, композит материаллар ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги ва уларни материалнинг эксплуатацион тавсифлари билан алоқасини ўрнатиш бўйича илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий тадқиқот ишлари режаларининг ОТ-Ф7-01 “Нанополимер тизимлар, махсус хоссали материаллар яратишда кинетик жиҳатлар ва электрон тузилишнинг роли” (2017-2020 йй.); ПЗ 2017092222 «Акрилонитрилни комплекс қайта ишлаб, акрил кислотасининг чизиқли (со)полимерларини олиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади радикал полимерланиш шароитида акрил мономерлари асосида чизиқли ва пайванд гомо- ва сополимер макромолекулаларини олиш бўйича экспериментал ёндашувларни ишлаб чиқиш, молекуляр хусусиятларни тартибга солишнинг самарали воситаларни яратиш, шунингдек синтез қилинган полимерларнинг эксплуатацион тавсифларини белгилаб берувчи физик-кимёвий ва структуравий хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни амалда қўллаш соҳаларини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Navoiyazot” АЖ да ишлаб чиқарилган мономер эритмасини хом ашё сифатида қўллаб, сувли эритмада акриламиднинг оксидловчи-қайтарувчи инициаторлар иштирокида радикал полимерланиш жараёнини ўрганиш, сувдаги эрувчанлигини юқори даражада сақлаган полимернинг молекуляр массасини ошириш усулларини аниқлаш;

радикал полимерланиш усули билан акрил кислотанинг статистик тузилишли сополимерларини синтез қилиш қонуниятларини тадқиқ қилиш орқали берилган таркиб ва хоссага эга сополимерларни олиш;

қуймолекуляр полиэтиленга акрил кислотани пайванд сополимерлашнинг структуравий ўзига хосликларини тадқиқ қилиш ва уларнинг полимер композициясида крахмал билан кимёвий ўзаро таъсирини ўрнатиш;

синтез қилинган сополимерларнинг тузилишига боғлиқ хоссаларини тадқиқ қилиш билан сополимерларнинг термооксидланиш деструкция жараёнларига акрил кислота сополимерларининг тузилиш хусусиятларининг таъсирини аниқлаш;

синтезланган гомо- ва сополимерларни сувда эрийдиган ноионли флокулянтлар сифатида, археологик объектларни реставрацияси учун полимер эритмалари ва полиэтилен асосидаги композицион материаллар учун компатибилизаторлар сифатида амалда қўллаш йўллари аниқлаш;

акрил мономерлари асосида чизиқли ва тармоқланган тузилишли гомо- ва сополимерларни олиш бўйича технологик схема ва лаборатория регламентини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти акрил кислота, метилакрилат, акриламид, қуймолекуляр полиэтилен, *Bombyx Mori* хитозани, шунингдек, улар асосидаги турли хил тузилишли гомо- ва сополимерлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети бир қатор акрил мономерларининг радикал бинар ва пайванд (со)полимерланиш механизмларини ўрганиш, уларнинг структураси ва тузилиш хусусиятларига физик-кимёвий хоссалари ҳамда амалётда қўллаш имкониятларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда титрлаш, вискозиметрия, элемент анализи, ИҚ-Фурье ва УБ- спектроскопия, гел сингдирувчанлик хроматография (ГСХ), рентген структуравий таҳлил, дифференциал термик таҳлил (ДТТ), дифференциал сканирловчи колориметрия (ДСК), микроскопик усуллар (атом кучланишли микроскопия (АКМ) ва оптик микроскопия) ва бошқа физик-кимёвий ва механик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сувли эритмада оксидловчи-қайтарувчи инициаторлар шароитида полиакриламидни синтез қилиш қонуниятлари аниқланган. Синтез шароитларининг полиакриламиднинг молекуляр-массавий хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлиги ўрнатилган;

илк бор "Navoiyazot" АЖ да ишлаб чиқарилган мономер эритмасини хомашё сифатида қўллаб, акриламиднинг полимерланиш жараёни ва молекуляр массасига *Bombyx Mori* хитозанини қўшиш орқали самарали таъсир қилиши мумкинлиги кўрсатилган, бу эса юқори молекуляр, сувда эрувчан полиакриламид синтези усуллари ишлаб чиқиш истиқболларини очиқ беради;

акрил кислотанинг турли тузилишдаги сополимерлари синтезининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган. Синтезнинг ўзига хослиги акрил кислота молекулалари орасида водород боғларнинг ҳосил бўлиши бўлиб, бу метилакрилат ва акрил кислота асосидаги статистик сополимерларнинг синтезига

ва сополимерларнинг хоссаларига ҳам таъсир этади;

илк бор радикал инициирланиш шароитида акрил кислотанинг куйимолекуляр полиэтиленга Grafging from усули билан тикилиши орқали пайванд сополимерлар синтез қилинган. Олинган натижалар пайвандланиш самарадорлиги етарлича юқори бўлган берилган таркибли сополимерларни олиш имконини беради;

илк бор полиэтиленли композицияларда крахмал макромолекулалари билан акрил кислота бўғинларининг ўзро таъсирлашиш қобилияти аниқланган;

акрил кислота сополимерларининг тузилиши ва термик хусусиятлари ҳамда улар асосидаги композицияларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

"Navoiyazot" АЖ да ишлаб чиқарилган мономернинг сувли эритмасидан фойдаланиб, сувда юқори даражада эрувчанликни сақловчи юқори молекуляр массали полиакриламид олишнинг самарали усули ишлаб чиқилган;

синтез қилинган полиакриламид "Qizilqum fosforit kompleksi" МЧЖ да саноат оқава сувларини механик аралашмалардан тозалашда ноионли флокулянт сифатида қўлланилган;

метилакрилат ва акрил кислотанинг статистик сополимерлари археологик обектларни реставрация амалиётида қўллаш учун зарур бўлган барча асосий мезонларга жавоб берганлиги боис, сополимерларни таркибига қараб, уларни турли табиатга эга обектларни реставрация амалиётида қўллаш мумкин ва сополимерлар эрувчанлигини сақлаганлиги боис, зарур вақтда обектдан осон йўқотиш мумкин;

ҚМПЭ ва АК кислота асосида синтез қилинган пайванд сополимерларни крахмал ва полиэтилен асосидаги композицияларни олиш учун компатибилизатор сифатида, шунингдек, қурум тўлдирилган полиэтилен композицияларининг термик барқарорлигини оширишда қўллаш имкониятлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда акрил мономерларининг (со)полимерларини синтез қилиш ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш бўйича натижалари замонавий экспериментал ва назарий (квант кимёвий ҳисоб-китоблар) усуллардан фойдаланилганлиги, шунингдек, диссертация ишининг хулосалари юқори молекуляр бирикмалар кимёсининг асосий қоидаларига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўртача хароратларда, оксидловчи - қайтарувчи инициаторлар иштирокида, сувли эритмада радикал полимерланиш реакциялари асосида олинган полиакриламиднинг синтези ва молекуляр-массавий хусусиятларига хитозаннинг таъсирини аниқлашдан иборат. Олинган намуналар юқори молекуляр полиакриламид, метилакрилат билан акрил кислотанинг статистик сополимерлари ва куйимолекуляр полиэтиленга акрил кислотани тикилиши орқали пайвандланган сополимерларни олиш усулларини ишлаб чиқишга имкон берди. Берилган тузилишга эга макромолекулаларни олиш мақсадида полимерланиш жараёнларининг механизмлари ва уларни

бошқаришнинг самарали ёндашувлари ўрнатилди. Сополимерларнинг тузилиши, иссиқлик ҳаракати хусусиятларининг тадқиқи, сополимерларнинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсир этувчи молекулалараро таъсирлар мавжудлигини аниқлашга ва синтез қилинган сополимерлардан фойдаланиш хусусиятлари ҳамда уларга асосланган композицияларни аниқлашга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти акрил мономерлари асосида синтезланган мураккаб тизимларни амалда қўллашнинг ўзига хос йўллари кўрсатиб беришдан иборат. «Navoiyazot» АЖ да ишлаб чиқарилган мономернинг сувли эритмасидан фойдаланиб, чизиқли тузилиши ва юқори молекуляр молекуляр массали ноионли полиакриламид синтез қилинди, у ишлаб чиқарилган аналогидан фарқли ўлароқ, сувда юқори эрувчанликни сақлаб қолади ва оқова сувларни тозалаш учун флокулянт сифатида муваффақиятли синовдан ўтган. Метилакрилат ва акрил кислота сополимерларининг таркибини ўзгартириб, археологик объектларни реставрация амалиётида қўллаш учун зарур бўлган, барча асосий мезонларга жавоб берадиган кенг кўламли гидрофил-гидрофоб хусусиятларга эга материаллар олинди. Қўйимолекуляр полиэтилен ва акрил кислотанинг олинган янги пайванд сополимерлари полиолефинли композицияларда компатибилизатор сифатида амалада қўллаш истикболларига эга биопарчаланувчи материалларни олиш учун муҳим крахмал ва полиэтиленнинг самарали аралашини осонлаштиради. Бундан ташқари, техник углерод билан полиэтиленли композиция таркибига қўшимча сифатида пайванд сополимердан фойдаланиш полиэтилендан қувур маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун муҳим бўлган қурум билан тўлдирилган композицияларнинг термик барқарорлигининг ошишига ёрдам бериши аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Акрил мономерлари асосида гомо- ва сополимерлар синтези: хоссалари ва қўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қўйимолекуляр полиэтиленга акрил кислотани тикилиши асосида олинган пайванд сополимерлар, техник углерод билан тўлдирилган суперконцентратлар олиш учун “Shurtan gaz kimyo majmuasi” МЧЖ да амалиётга жорий этилган (“Shurtan gaz kimyo majmuasi” МЧЖ нинг 2021 йил 26 апрелдаги 030/2167-сон маълумотномаси). Натижада “Shurtan gaz kimyo majmuasi” МЧЖ нинг техник углеродли полиэтилен композицияларига 5-10% миқдорда ҚМПЭ:АК пайванд сополимерининг қўшилиши ГОСТ 18599 бўйича суперконцентратлар термик барқарорлигини 4-6 дақиқага ошириш имконини берган;

“Navoiyazot” АЖ да ишлаб чиқарилган акриламиднинг сувли эритмасидан синтез қилинган сувда эрувчан полиакриламид “Qizilqum fosforit kompleksi” МЧЖ да фосфорит концентрати ишлаб чиқариш цехининг ювиш бўлими технологик қўйқаси чиқинди сувларини тозалашда флокулянт сифатида фойдаланилган (“O`zkiyosanoat” АЖ нинг 2021 йил 25 майдаги №23-3-1918-сон маълумотномаси). Натижада синтез қилинган юқори молекуляр массали полиакриламид асосида сувда эрувчан, импорт ўрнини босувчи флокулянт олиш технологиясини сезиларли даражада соддалаштириш имконини берган;

радикал полимерланиш реакциялари асосида синтез қилинган акрил мономерларининг (со)полимер эритмаларининг хоссалари тадқиқот натижаларидан А-4-13 рақамли “Электроспиннинг усулида фиброин, хитозан ва акрилонитрил сополимери асосида нанотолали нотўқима материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳасида оксидловчи-қайтарувчи инициаторлар иштирокида акрил мономерлари асосида синтез қилинган (со)полимерларнинг молекуляр-массавий тавсифларини ва суялтирилган эритмаларидаги боғлиқлигини ўрганишда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 26 августдаги 04/11-4418-сон маълумотномаси). Натижада олинган нанотолали материалларнинг морфологиясини полимерларнинг молекуляр-массавий тавсифларини ўзгартириш орқали назорат қилиш, нейтрал ва қуйи асосли муҳитда толали тузилишини сақлаб қолиш имконини яратишда ва сув буғларига нисбатан сорбцион хоссаларини тадқиқ қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 20 та халқаро ва Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 10 та мақола, жумладан, 7 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 184 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Акрил мономерларининг эритмада полимерланиши**” номли биринчи бобида акриламид (АА), метилакрилат (МА) ва акрил кислота (АК) асосида турли хил структурали гомо- ва сополимерларни олиш муаммолари кўриб чиқилган.


Акриламиднинг эритмада полимерланиши. Ўзбекистонда “Navoiyazot” АЖ томонидан аммиакли усулда мономер концентрацияси 10-12% бўлган акриламиднинг сувли эритмаси ишлаб чиқарилади, у асосида ноионли флокулянт олинади. Бироқ, бу флокулянт сувда ёмон эрувчанлиги билан боғлиқ бўлган муҳим камчиликларга эга. Шу муносабат билан, тадқиқотлар сувда яхши эрувчанлиги билан тавсифланганидан, ноионли флокулянтлар сифатида

фойдаланиш мумкин бўлган, чуқур конверсия даражасига қадар юқори молекуляр массали (ММ) полиакриламид (ПАА) синтезига қаратилган экспериментал ёндашувларни ишлаб чиқишга йўналтирилган.



Полимерлар синтези сувли эритмада калий персульфат (КПС) - натрий пиросульфит (НПС) оксидловчи-қайтарувчи инициаторлари иштирокида, аралаштиргич билан жиҳозланган колбада, радикал механизм бўйича амалга оширилди. Шу билан бирга, КПС инициаторининг концентрацияси- $1,0 \times 10^{-3}$ - $1,0 \times 10^{-4}$ моль/л, НПС инициаторининг концентрацияси- $1,0 \times 10^{-4}$ - $2,0 \times 10^{-5}$ моль/л оралиғида олинди. Синтез $20-40^{\circ}\text{C}$ ҳарорат оралиғида амалга оширилди. Синтез вақтида реакцион аралашманинг кинематик қовушқоқлиги ВПЖ-2 шиша капиллярли вискозиметри ёрдамида ўлчанди. Ҳосил бўлган полимерлар гександа қайта чўктирилди.

Реакцион аралашма қовушқоқлигининг турли хил синтез шароитларида синтез вақтига боғлиқлиги ўрганилди. Синтезнинг дастлабки босқичида реакцион аралашманинг қовушқоқлиги қисман ортади. Бироқ, маълум даражада полимер ҳосил бўлгандан сўнг, реакцион аралашманинг қовушқоқлиги гел-эффект таъсири туфайли кескин ортиши кузатилади. Бунинг натижасида ПАА эрувчанлигини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, полимерланиш реакцияси 40°C ва ундан юқори ҳароратда олиб борилганда синтез бошлангандан 15 дақиқа ўтгач, уч ўлчамли структура ҳосил бўлиши кузатилди.

1-расмда сувли муҳитдаги суялтирилган ПАА эритмаси характеристик (тавсифий) қовушқоқлигининг синтез ҳароратига боғлиқлиги келтирилган. Синтез ҳарорати 20 дан 30°C гача кўтарилиши билан $[\eta]$ нинг қиймати бирмунча ортади. Ҳароратнинг 35°C гача кўтарилиши эса характеристик қовушқоқликнинг пасайишига олиб келади. Олинган полимерларнинг молекуляр-массавий хусусиятларини аниқлаш учун гел сингдирувчанлик хроматография (ГСХ) усули билан КПС ва НПС нинг турли концентрациялари ва турли ҳароратларда синтез қилинган ПАА намуналари ўрганилди.



1-расм. Реакцион масса эритмаси характеристик қовушқоқлигининг $[\eta]$ (дл/г) инициаторловчи тизимининг турли хил концентрацияларида синтез вақтига боғлиқлиги: КПС-НПС= $1 \cdot 10^{-4}/2 \cdot 10^{-5}$ моль/л (1), $2,5 \cdot 10^{-4}/3 \cdot 10^{-5}$ моль/л (2), $5 \cdot 10^{-4}/5,0 \cdot 10^{-5}$ моль/л (3), $1,0 \cdot 10^{-3}/2,0 \cdot 10^{-4}$ моль/л (4). Эритувчи- сув, $[M]=1,5$ моль/л.



2-расм. Юқори молекуляр фракцияларнинг кам (а) ва юқори (б) таркибли ПАА намуналарининг хроматограммалари. Синтез шароити: а- [ПСК] = 1×10^{-4} моль/л, [ПСН] = 2×10^{-5} моль/л, $T = 20^{\circ}\text{C}$; б- [ПСК] = 1×10^{-4} моль/л, [ПСН] = 2×10^{-5} моль/л, $T = 35^{\circ}\text{C}$.

Фракцияларнинг массавий улушини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, синтез ҳарорати 20°C гача пасайганда тизимда қуйимолекуляр фракцияларнинг масса улуши ортади. Аксинча, ҳарорат $30-35^{\circ}\text{C}$ бўлганда қуйи молекуляр фракциянинг масса улуши кичик (1-жадвал) бўлади.

1 - жадвал

Турли шароитларда синтезланган ПАА намуналари молекуляр массаларининг ўзгариши

№	$T, ^{\circ}\text{C}$	$M_n \times 10^{-5}$	$M_w \times 10^{-5}$	$M_n \times 10^{-5}$	Юқори молекуляр фракциянинг масса улуши	Юқори молекуляр фракция учун M_w/M_n
$\text{КПС} = 1 \times 10^{-4}$ моль/л, $\text{НПС} = 2 \times 10^{-5}$ моль/л						
1	20	4,0	4,5	3,5	45	1,3
2	25	4,5	5,9	3,5	20	1,7
3	30	4,0	4,6	3,5	85	1,3
4	35	4,5	5,6	3,8	90	1,5
$\text{КПС} = 5 \times 10^{-4}$ моль/л, $\text{НПС} = 5 \times 10^{-5}$ моль/л						
5	20	4,0	5,3	3,1	25	1,7
6	25	3,5	5,3	2,1	60	2,5
7	30	3,5	4,3	2,9	60	2,2
8	35	3,2	4,8	2,2	87	1,5

1-жадвалда кўрсатилган натижалар таҳлили қуйидагиларни кўрсатади:

1. Барча синтез ҳароратида иницирловчи тизим концентрациясининг ортиши ММ нинг камайишига олиб келади. Мазкур ҳолат, радикал полимерланиш реакциялари учун умумийдир.

2. Иницирловчи тизимнинг $\text{КПС}:\text{НПС} = 5 \times 10^{-4} / 5 \times 10^{-5}$ моль/л концентрациясида ҳарорат ортиши билан ММ нинг бирмунча камайиши кузатилади 4-3,5-3,5-3,2. Бироқ, иницирловчи тизимнинг қуйи концентрациясида ҳароратга боғлиқлик кузатилмайди.

3. Одатда радикал полимерланиш учун полидисперслик қийматлари 1,5 дан 2,2 гача бўлиши рекомбинация ва диспропорцияланиш билан юз берадиган аралаш узилиш ва занжир узатилишни кўрсатади.

4. Икки намунадаги полидисперслик қийматининг 1,3 га тенг бўлиши, эҳтимол, бошқа фракциялардаги полимер улушини ҳисобга олмагандаги асосий юқори молекуляр фракцияга боғлиқлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, ПАА сувли эритмаларини икки мартали нур синиш усули бўйича тадқиқотлари ҳам ўтказилган бўлиб, улар ўрганилаётган ПАА намуналарининг ўлчами нмдан микроон ўлчамигача бўлган гидродинамик радиусли молекуляр массаларнинг полимодал тақсимотига эга эканлигини тасдиқлади.

2 - жадвал

Полиакриламид синтези ва молекуляр массавий хусусиятлари (тоза акриламиддан олинган). $T=30^{\circ}\text{C}$, $[\text{AA}]=1,5$ моль/л

№	КПС, моль/л	НПС, моль/л	$[\eta]$, дл/г	$M_n \times 10^{-6}$
1	$1,0 \times 10^{-4}$	$2,0 \times 10^{-5}$	9,86	5,01
2	$5,0 \times 10^{-4}$	$5,0 \times 10^{-5}$	8,49	3,99

Олинган натижаларни таққослаш мақсадида тоза АА мономеридан ПАА намуналари синтез қилинди. Полимерларни синтез қилиш шароити ва унинг характеристик қовушқоқлик қийматлари юқоридаги 2-жадвалда келтирилган.

1-расм ва 2-жадвалда келтирилган қийматларни таққослаш натижалари синтез шароитида тоза мономердан синтезланган ПАА нинг $[\eta]$ қиймати, “Navoiyazot” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган мономер аралашмасидан синтезланган ПАА га нисбатан анча юқори эканлигини кўрсатди.

Бундан ташқари, ГСХ маълумотларига кўра, тоза акриламиддан синтез қилинган намуналар унимодал молекуляр-массавий тақсимланишга эга эканлиги аниқланди. Кўриниб турибдики, “Navoiyazot” АЖ да мономер аралашмасидан ПАА синтезининг ўзига хослиги шундаки, реакция аралашмада занжир узатувчи ролини бажарувчи аралашмалар мавжудлиги туфайли реакциянинг мураккаблашишидир.

Шундай қилиб, “Navoiyazot” АЖ да ишлаб чиқарилган акриламиднинг ўртача ҳароратларда, оксидловчи-қайтарувчи тизим иштирокида полимерланиши гел-эффект ҳосил бўлиши билан боради ва уч ўлчамли структура ҳосил бўлмайди. Бу сувда эрувчан АА полимерларини чуқур конверция даражасига қадар синтез қилиш имконини беради. “Navoiyazot” АЖ мономер эритмасидан АА ни полимерлаш учун энг мақбул ҳарорат 35°C бўлиб, унда юқори молекуляр фракциянинг максимал масса улуши кузатилади. Бироқ, синтез қилинган ПАА нинг камчилиги унинг ММ кичиклиги бўлиб, бу ундан флокулянтлар сифатида фойдаланиш самарадорлигини чегаралайди. Шу муносабат билан кейинги тадқиқотлар ПАА синтези давомида ММ ни ошириш йўллари ишлаб чиқишга қаратилди.

Аввалги тадқиқотларимизда АК нинг хитозан иштирокида полимерланиш вақтида табиий полисахариднинг ҳам полимерланиш тезлигига, ҳам уч ўлчамли структура ҳосил бўлиш жараёнига тезлаштирувчи таъсири билан боғлиқ макромолекуляр эффект кузатилганлиги кўрсатилган эди². Мазкур ишда

² Абрарова З.М. Синтез акриловой кислоты из акрилонитрила и суперабсорбента на ее основе: Дисс. ... PhD. хим. наук. –Т.: ИХФП АН РУз, 2019. – 117 с.

хитозаннинг ПАА ММ га таъсири текширилди. Бунинг учун ЎзР ФА ПКФИ томонидан ишлаб чиқарилган ипак курти ғумбаги асосидаги *Bombyx Mori* хитозанидан (ХЗ) фойдаланилди. Унинг ММ 110000 ва деацетилланиш даражаси эса 85% ни ташкил этади. 3-жадвалда ХЗ иштирокида турли шароитларда олинган ПАА нинг характеристик қовушқоқлик қийматларини аниқлаш натижалари келтирилган бўлиб, ХЗ иштирокида олинган ПАА нинг характеристик қовушқоқлиги, худди шундай шароитда ХЗ қўшмасдан синтез қилинган ПАА га қараганда анча юқори. Бундан ташқари, ХЗ 0,2% концентрациягача қўшилганда характеристик қовушқоқликнинг ортиши кузатилади. Бу концентрациядан юқорида характеристик қовушқоқликнинг пасайиши кузатилади. Шунга ўхшаш натижалар эса А.С. Романевич ва унинг ҳаммуаллифлари томонидан аниқланган³.

3- жадвал

Реакцион массадаги *Bombyx Mori* ХЗ концентрациясининг олинган АА сополимерларининг характеристик қовушқоқлигига $[\eta]$ таъсири. $[КПС]=1,0 \times 10^{-4}$ моль/л, $[НПС]=2,0 \times 10^{-5}$ моль/л

№	ХЗ, %	[η], дл/г.	[η], дл/г.	
			25 ⁰ С	30 ⁰ С
1	0	4,85	0	4,98
2	0,05	5,01	0,05	5,35
3	0,1	5,65	0,1	6,88
4	0,15	6,62	0,15	8,51
5	0,2	7,51	0,2	9,91
6	0,25	4,17	0,25	4,51
7	0,3	2,5	0,3	3,46

Юқорида келтирилган муаллифлар томонидан ММ 303000 бўлган, Россияда ишлаб чиқарилган ХЗ қўлланилган. ХЗ концентрацияси 0 дан 0,4% гача ортганда, сополимерларнинг характеристик қовушқоқлик қиймати 6,2 дан 7,5 дл/г ошганлигини кузатиш мумкин. Бизнинг тадқиқотларимизда, тут ипак курти ғумбагидан олинган ХЗ ни 0 - 0,2% концентрация оралиғида қўллаганда, характеристик қовушқоқлик қийматининг деярли 2 баробаргача ортиши кузатилди (3-жадвал). Шу билан бирга АА гомополимерланиши билан параллел равишда АА нинг ХЗ билан пайванд сополимерланиши ҳам кузатилади, буни дастлабки конверция даражасида ажратиб олинган сополимерларни ИҚ-спектроскопик тадқиқотлар натижаси ҳам тасдиқлади.

ХЗ нинг полимерланиш жараёнига тезлаштирувчи таъсир кўрсатиши бир қатор мономерларнинг ХЗ га пайванд сополимерланишини ўрганишда ҳам кузатилган. Бундай тезлашиш мувозанатли диализ усули билан тасдиқланган пайванд занжирнинг ўсиш зонасида мономер концентрациясининг локал ортиши билан тушунтирилади^{4,5}.

³ Романевич А.С. и др. Привитая радикальная (со)полимеризация акриламида и акриловой кислоты на хитозан. «Современные проблемы теоретической и экспериментальной химии». Межвузовский сб. научных трудов XIV Всероссийской конф. молодых ученых с международным участием. Саратов, 2020. 01–31 октября. –С. 137-139.

⁴ Нудьга Л.А. Структурно-химическая модификация хитина, хитозана и хитин – глюкановых комплексов: Автореферат дисс... докт. хим. наук. -Санкт Петербург. 2006. - 39 с.

Шундай қилиб, акриламиднинг полимерланишида эритмада занжир узатувчи агентларнинг мавжудлиги билан мураккаблашган полимодал молекуляр-массавий тақсимланиш қуйи молекуляр фракциянинг сезиларли улуши мавжудлиги билан кузатилади, қуйи ва юқори молекуляр фракцияларнинг нисбати синтез ҳароратига боғлиқ бўлиб, ҳарорат ортиши билан юқори молекуляр фракциянинг ортиши юз беради. Умуман олганда, турли хил аралашмалари бўлган мураккаблашган тизимда тоза АА мономеридан синтез қилинган полимернинг ММ га нисбатан кичик ММ қиймалари кузатилади. Реакцион аралашмада оз миқдорда ХЗ иштирок этиши билан юқори молекуляр массали полимерлар олиш мумкинлиги аниқланди. Бу ҳолатдан ноионли флокулянт сифатида қўллаш мумкин бўлган юқори ММ ПАА ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, маълум миқдорда ХЗ:АА пайванд сополимерларининг ҳосил бўлиши полимер намуналарининг эрувчанлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмайди.


Диссертациянинг “**Модификацияланган қуйимолекуляр полиэтиленни олиш ва хоссалари**” номли иккинчи бобида акрил кислота ва қуйимолекуляр полиэтилен асосида пайванд сополимерлар синтез қилиш ва уларнинг крахмал билан ўзаро таъсири натижасида хоссаларининг ўзгариши кўриб чиқилган.

Акрил кислота ва қуйимолекуляр полиэтиленнинг пайванд сополимерлари синтези. Композицион материаллар ҳосил бўлишининг мураккаблиги шундаки, кўпчилик полимерлар бир-бирига термодинамик жиҳатдан мос келмайди. Бу муаммони ҳал қилиш учун таркибида композицияни ташкил этувчи таркибий қисмлар билан ўзаро таъсирлаша оладиган боғланишларга эга блок ва пайванд сополимерлардан фойдаланиш мумкин.

Биринчи марта қуйимолекуляр полиэтилен (ҚМПЭ) ва АК нинг пайванд сополимерлари синтез қилинди. Бундай сополимерларнинг синтези қизиқарли, чунки улар гидрофоб олефин бўғини ва полисахаридлар билан таъсирлашишга қодир АК бўғинларини ўз ичига олган иккала блокни бирлаштиради. Бу, ушбу сополимерларни полиэтилен ва табиий полисахаридлардан композициялар олишда компатибилизатор сифатида қўллаш имконини беради.

Пайванд сополимерлар синтези 95⁰С ҳароратда, [ҚМПЭ]:[АК] турли хил нисбатларида, азот муҳитида, бензоил пероксид (БП) инициатори иштирокида, радикал механизм бўйича амалга оширилди. Пайванд сополимерларнинг ҳосил бўлиши гравиметрия ва ИҚ-Фурье спектроскопик усуллар билан тасдиқланди. Реакцион аралашмада ҚМПЭ ва АК нисбатини ўзгартириб, таркибида АК миқдори юқори бўлган сополимерларни синтез қилиш мумкин. 3-расмда пайвандланиш даражаси (ПД) ва самарадорлигининг (ПС) қийматлари келтирилган.

⁵ Дергунов С.А. Синтез и физико-химические свойства новых привитых сополимеров на основе хитозана и некоторых гидрофильных мономеров: Автореферат дисс... канд. хим. наук. -Алматы. 2005. - 17 с.



3-расм. Реакцион аралашмада АК концентрациясига пайвандланиш даражаси (1) ва самарадорлигининг (2) боғлиқлиги.


[БП] = $5 \cdot 10^{-3}$ моль/л (а), [БП] = $1 \cdot 10^{-3}$ моль/л (б).

Реакцион аралашмада АК миқдорининг ошиши пайвандланиш даражаси ва самарадорлигининг ортишига олиб келади. Бундан ташқари, 3 (а) расмда кўришиб турганидек, пайвандланиш самарадорлиги амалда 40-45% га етганда ортишдан тўхтаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Реакцион аралашмада АК концентрациясининг ортиб бориши ҳам сополимердаги АК бўғинларининг мунтазам равишда ортишига олиб келади. Бу эса маълум даражада синтезни инициаторнинг қуйи концентрациясида амалга ошириш имконини беради.

Синтез қилинган сополимерларнинг рентген дифракцион таҳлили, ундаги АК миқдори ортишб бориши билан сополимерлар кристалланиш даражасининг 59 дан 19% гача пасайиб боришини кўрсатади, бу эса макромолекулаларда АК бўғинларидан иборат ён занжирлар мавжудлиги, макромолекулаларнинг ориентацияланишини қийинлаштириши билан тушунтирилади.

Модификацияланган қуйимолекуляр полиэтиленнинг крахмал билан ўзаро таъсири. АК билан модификацияланган ҚМПЭ нинг крахмал билан кимёвий ўзаро таъсирини тадқиқ қилиш полиэтилен-крахмал композицияларида сополимерларни компатибилизатор сифатида амалда қўллаш имкониятини вужудга келтиради.


Модификацияланган ҚМПЭ ва маккажўхори крахмали аралашмаларини тайёрлаш силжиш майдон шароитида лаборатория қурилмасида амалга оширилди. Тажрибаларни ўтказиш учун ҚМПЭ:АК 60:40 (СПЛ-1) ва 90:10 (СПЛ-2) нисбатларида пайванд сополимерлар синтез қилинди. Бу сополимерлар лаборатория қурилмасида крахмал билан 4:1 ва 1:4 нисбатларида аралаштирилди. Аралаштириш 130°C ҳароратда 30 мин давомида амалга оширилди. Аралашмаларнинг структурасини ўрганиш мақсадида, ИҚ-Фурье спектроскопик тадқиқотлар ўтказилди (4-расм).




4-расм. Крахмал (1), сополимернинг крахмал билан 1:4 (2) ва 4:1 нисбатдаги (3) аралашмаларининг ИҚ-Фурье спектрлари.

Крахмал билан СПЛ-1 и СПЛ-2 композитлари учун ички ва ташқи молекулалараро водород боғланишларда иштирок этувчи ОН гуруҳларининг ютилиш соҳалари кузатилди. Натижага кўра, $1336,67 \text{ см}^{-1}$ да соҳаларнинг пайдо бўлиши СПЛ-1 ва СПЛ-2 карбоксил гуруҳининг крахмалнинг гидроксил гуруҳлари билан ўзаро таъсири туфайли ҳосил бўладиган мураккаб эфир боғидаги С-О гуруҳининг ассиметрик валент тебранишларини тавсифлайди. Мазкур соҳанинг интенсивлиги акрил кислотанинг сополимердаги миқдорига боғлиқ.

Полимер аралашмаларининг рентгенструктуравий таҳлили шуни кўрсатдики, композицияларда крахмал миқдорининг ортиши билан кристалланиш даражасининг СПЛ-1 билан аралаштиришда 45 дан 16% гача, СПЛ-2 учун эса 58 дан 26% гача пасайишига олиб келади. Эҳтимол, пайванд сополимерлар крахмал билан аралаштирилганда крахмалнинг гидроксил гуруҳлари ва АК нинг карбоксил гуруҳлари билан ўзаро таъсири натижасида мураккаб эфир боғи ҳосил бўлиши туфайли ҚМПЭ-АК-крахмал учламчи сополимерлари ҳам ҳосил бўлади.





Кристалланиш даражасининг пасайиши кристалланиш шароитининг ўзгаришидан далолат бериши ва аралашмада учламчи сополимер ҳосил бўлишига олиб келган бўлиши мумкин. Бу натижалар полиэтилен ва крахмал асосида биопарчаланувчи полимер композициялар олишда синтез қилинган пайванд сополимерлардан компатибилизатор сифатида фойдаланиш истикболини очади.

Диссертациянинг “**Акрил кислота сополимерларининг хоссалари ва структуравий хусусиятлари**” номли учинчи бобида АК нинг пайванд ва статистик сополимерларининг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.

Модификацияланмаган ҚМПЭ учун суяқланиш ҳарорати 110⁰С дан ҚМПЭ:АК пайванд сополимерлари таркибида АК бўғинлари миқдорининг кўпайиши билан ПД=60-80% бўлганда, 130⁰С гача мунтазам ортишига олиб келиши аниқланди. Бу ҳодиса ҚМПЭ га нисбатан пайванд сополимер ММ нинг ортиши ҳамда АК бўғинларининг карбоксил гуруҳлари мавжудлиги сабабли, молекулаларо ўзаро таъсирларнинг ортиши билан ҳам боғлиқдир.

ҚМПЭ:АК пайванд сополимерларининг дериватографик тадқиқотлари натижаларининг кўрсатишича, 10% масса камайгандаги (Т₁₀) парчланишнинг бошланиш ҳарорати ҚМПЭ дан пайванд сополимерга ўтишда юқорироқ ҳароратлар томонга силжийди (4-жадвал). Бундан ташқари, сополимер таркибида АК бўғинлари миқдори қанча кўпайса, шунча силжиш кучлироқ бўлади.

4 - жадвал


Ўрганилган (со)полимерларнинг термооксидланувчи парчланишининг самарали фаолланиш энергияси (E_A) қийматлари

№	ҚМПЭ-АК намуналарининг нисбати (масса нисбати % да)	Индексларда кўрсатилган масса % лардаги йўқотилиш ҳарорати, °С			E _A , кЖ/моль
		T ₁₀	T ₂₀	T ₅₀	
1	100-0	267	312	380	33,03
2	90-10	303	332	410	45,97
3	60-40	320	340	400	50,34
4	0-100	185	243	351	17,7

Таркибида 7 ва 10 моль.% миқдорда АК бўғинларини сақловчи 90:10 ва 60:40 нисбатда синтез қилинган ҚМПЭ:АК пайванд сополимерларида Т₁₀ даги парчланишининг бошланиш ҳарорати ҚМПЭ га нисбатан 36-57⁰С гача юқори бўлади. Шунингдек, пайванд сополимерларда парчланиш бошланишининг


фаолланиш энергияси, ҚМПЭ ва полиакрил кислота (ПАК) гомополимерларига нисбатан юқори бўлади. Бу ҳодиса АК билан юқори молекуляр полиэтиленнинг пайванд сополимерлари учун аввалдан маълум бўлган⁶. Биздаги бу ҳодисани композициянинг микрогетерогенлиги намоён бўлиши нуқтаи назаридан ҳам тушунтириш мумкин. ПАК макромолекулалари ҚМПЭ молекулалари билан термодинамик жиҳатдан мойил бўлмаганлиги сабабли микрофаза заррачаларига ажралади, ҚМПЭ билан кимёвий боғлар ҳосил қилиши натижасида, уларнинг ҳаракатчанлигини камайтиради.

АК бўғинларининг таклиф этиаётган ўзаро таъсир механизми куйидагича бўлиши мумкин:



Тугунчаларида микрофаза заррачалари бўлган бундай фазовий структуранинг ҳосил бўлиши ҚМПЭ иссиқбардошлилигининг ошишига олиб келади.

Расмда кўрсатилган структуранинг ҳосил бўлиши полиэтилен композициялари суюқланмалари қовушқоқлигига муқаррар таъсир қилиши керак. Юқори босимли полиэтилен (ЮБПЭ) билан ҚМПЭ ва ҚМПЭ:АК пайванд сополимерлари иштирокида композициялар олинди ҳамда 5,0 кгс юк таъсирида суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичи (СОК) қийматлари аниқланди.



5-расм. ЮБПЭ композициясида суюқланма оқувчанлик кўрсаткичининг ҚМПЭ кўшимча миқдорига (1), 90:10 нисбатли ҚМПЭ:АК пайванд сополимерига (2). 60:40 нисбатли ҚМПЭ:АК пайванд сополимерига (3) боғлиқлиги $T = 190^{\circ}\text{C}$; Юк- 5,0 кг.

Композицияга ҚМПЭ 5% дан ортиқ қўшилганда СОК ошишига олиб келганлиги кузатилди. ЮБПЭ га нисбатан ҚМПЭ нинг молекуляр массаси анча кичик қийматга эга ва бу композицияни суюлтирганда суюқланма

⁶ Круль Л.П. и др. Получение макрогетерогенных привитых пленок полиэтилен-полиакриловая кислота и исследование их термомеханических свойств // Высокомолек. соед. 1989. –Сер. А. –Т. 31, №9. –С. 1810-1814.

қовушқоқлигини камайтиришга таъсири билан изоҳланади. Яъни, модификацияланмаган ҚМПЭ мойлаш (силлиқловчи, лубрикант) вазифасини бажаради. ЮБПЭ композициялари учун ҚМПЭ:АК пайвандланган сополимерлари билан бошқача ҳолат кузатилади. Композиция таркибига 2,5-5,0% модификацияланган ҚМПЭ қўшилиши ҚМПЭ:АК пайванд сополимерларининг 90:10 ва 60:40 нисбатлари учун ҳам СОК нинг сезиларли камайишига олиб келади. Композиция таркибида пайванд сополимер микдорининг 5,0% дан ошиши СОК нинг ортишига олиб келади, бу ҳолат айниқса 90:10 нисбатли ҚМПЭ:АК пайванд сополимерида янада сезиларли бўлади. Буни ҚМПЭ:АК пайванд сополимерининг молекуляр массаси, АК тикилишига қарамасдан, ЮБПЭ молекуляр массасига нисбатан анча кичик бўлиши билан тушунтириш мумкин.

Композицияда иккита ўзаро қарама-қарши бўлган жараён- суюқланманинг қовушқоқлигини ортишига сабаб бўлувчи акрил кислота ҳалқаларидаги карбоксил гуруҳларининг ўзаро таъсири ҳисобига структураланиш ва юқори молекуляр полиэтиленга нисбатан молекуляр массаси кичик пайванд сополимер билан композициянинг суюлтирилиши амалга ошади. Композиция таркибида пайванд сополимернинг кам микдорда бўлиши ҳисобига юқоридаги схема бўйича структуралаш амалга ошади ва композицияда сополимернинг камлиги туфайли суюлтириш самарадорлиги аҳамиятсиз бўлади. Буни 5-расмдаги 1-эгри чизик маълумотлари тасдиқлайди. Жуда кам микдорда модификацияланмаган ҚМПЭ СОК га деярли таъсир этмайди. Аксинча, қўшимчанинг 5% дан ортиқ микдорда киритилиши, қуйимолекуляр бирикмалар билан ЮБПЭ суюлтириш самарадорлиги СОК ни ортишига ўз таъсирини кўрсата бошлайди. Бундан ташқари, бу таъсир модификацияланмаган ҚМПЭ учун янада аниқ акс этиб, 90:10 нисбатли ҚМПЭ:АК сополимери учун нисбатан камроқ ва 60:40 нисбатли ҚМПЭ:АК қўшилганда эса янада заифроқ намоён бўлади. Сополимердаги АК бўғинларининг ортиши табиий равишда композициядаги панжара тугунларининг кўпайишига олиб келади, бу эса эритманинг қовушқоқлигини ошишига сабаб бўлади.

